



## Савол:

Жиддадан С. М. Исмли тингловчи аёл саволи: Кундалик ҳаётда учраб турадиган, бироқ таҳоратни синдириш-синдирмаслигини билмайдиганим айрим нарсалар ҳақида сўрамоқчи эдим. Масалан, ҳожатхонадаги санитария-гигеник анжомларига қўл тегиши ёки ҳожатхона полига ёткизилган кошин плиталарни ялангоёқ босиш, гўдак боланинг сийдиги билан ҳўлланган кийимни ушлаш, эрининг баданини ушлаш, эрни ўпиш ва шунга ўхшаш ишлар таҳоратни синдирадими?

## Жавоб:

- 1) Ҳаммомдаги тозалик ва саломатлик учун ишлатиладиган анжомларни ушлаш ёки ерга ёткизилган плиталарни босиш таҳоратни синдирмайди. Фақат плитага нажосат теккан ва унинг нами оёққа юққан ёки уни ҳўл оёқ билан босилган бўлса, бу ҳам таҳоратни синдирмайди, бироқ оёқни ювиш лозим бўлади.
- 2) Боланинг сийдик билан ҳўлланган кийимини ушлаш таҳоратни синдирмайди. Лекин, уни ҳўл ҳолатда қўлга олган киши қўлини ювиши лозим бўлади. Шунингдек, сийдик қуриб қолган бўлса ҳам, уни нам қўл билан ушлаган киши ҳам қўлини ювиши лозим бўлади.
- 3) Эрнинг баданига қўл теккизиш ёки уни ўпиш уламолар сўзларининг саҳиҳроғига кўра, таҳоратни синдирмайди. Худди шунга ўхшаш эр аёлига қўл теккизиши ва ўпиши ҳам ҳоҳ шаҳват билан, ҳоҳ шаҳватсиз бўлсин, модомики маний ёки мазий келмаса, таҳоратини бузмайди. Аммо, икковларидан бири иккинчисининг жинсий аъзосини ушласа, (ушловчининг) таҳорати кетади. Аллоҳ таолонинг: «Ёки аёлларингизга



тегинсаларингиз» (Нисо: 43) деган сўзидан мурод, тафсир уламоларининг саҳиҳ сўзларига кўра, жинсий алоқадир. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ва бошқа кўплаб муфассирлар шундай тафсир қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларини ўпганликлари, сўнгра таҳорат қилмасдан намоз ўқиганлари ҳақида саҳиҳ ҳадис бор (Саҳиҳ Сунан ат-Термизий: №76). Аммо, агар шу сабабли мазий келса, жинсий аъзони ювиш ва таҳорат қилиш лозим бўлади. Маний келган ҳолда эса ғусл вожиб бўлади.